

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

*№ 3 (3) - 2023*

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 3 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шоҳида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбахор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодири Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod*

QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI ..... 9-14

*Шухрат Эргашев*

ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ

ТЎНТАРИШИ ..... 15-23

*Касимова Шахноза Алишеровна*

ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ ..... 24-29

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Файзиева Ширин Шодмоновна*

АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ  
ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ..... 30-35

*Мусагалиев Ажунияз Жумагулович, Дустова Мухайё Худайбердиевна*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАР ..... 36-41

*Murodova Nargiza Utkirovna*

TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI ..... 42-47

*Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Haydarovich*

КОМПАНИЯЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТО'ЛОВГА ЛАЙОҚАТСИЗЛИГИ ХАВФИНИ АНИҚЛАШ ..... 48-55

*Temirova Feruza Sagdullayevna*

MARKETINGNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYASI -  
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH ..... 56-62

*Sobirova Marhabo Haitovna*

МЕВА-SABZAVOT KOOPERATSIYASINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH  
YO'LLARI ..... 63-67

*Mamajonova Gulasal Oribjon qizi*

KORXONALARIDA ISHLAB CHIQRISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING  
SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI ..... 68-77

*Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich*

О'ЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙОТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ РИСКЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ SAMARADORLIGINI OSHIRISH ..... 78-87

*Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович*  
КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ  
МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ ..... 88-101

*Каржавова Хуршида Абдумаликовна*  
МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШНИНГ  
АСОСИЙ ЁЎНАЛИШЛАРИ ..... 102-110

*Soliyev Dilmurod Jamolovich*  
AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING  
ASOSIDIR ..... 111-119

*Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna*  
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH  
MASALALARI ..... 120-130

#### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Тўраев Шавкат Нишонович*  
ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ ..... 131-137

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*  
TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY ..... 138-143

*Sharipov Dilshod Vaxshilloevich*  
TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI ..... 144-148

#### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Гаппаров Алибек Қаршибоевич*  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ ..... 149-155

*Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqut Quدراتillayevna*  
APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND  
AND VISUALLY IMPAIRED ..... 156-161

*Ахмедшина Лилия Рафаэльевна*  
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ « И «ЖЕНА»  
В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ ..... 162-166

*Kholmuminova Makhliyo*  
DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES ..... 167-171

*Shirinova Yekaterina*  
NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI ..... 172-178

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Қутлымуратов Фархад Қалбаевич*

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР  
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 179-185

*Kasimov Nodirjon Sodikjonovich*

QASDDAN O'DIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY  
XUSUSIYATLARI ..... 186-196

*Урманбаева Ферузахон Саттаровна*

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ ..... 197-203

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich*

“HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ  
KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR  
TAHLILI) ..... 204-210

*Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich*

BO'LAJAK REJISSORLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA  
TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI ..... 211-217

*Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich*

YUQORI SINIF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA  
TARBIYALASH ..... 218-223

*Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна*

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ  
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ..... 224-229

*Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich*

HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI  
RIVOJLANTIRISH ..... 230-236

*Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi*

ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE  
EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES ..... 237-244

*Yusupov Dilmurod Abdurashidovich*

YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER  
TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH ..... 245-254

*Ergashev Omonboy Turgunbayevich*

TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY ZARURATI VA  
PEDAGOGIK ASOSLARI ..... 255-260

<i>Ruzmetova Novval Vahabdjano</i> THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW SCHOOLS .....	261-269
<i>Raxmatov Otabek Urinbosarovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI .....	270-274
<i>Makhmudov Furqat Djumaboyevich</i> YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI O'QITISH USULLARI .....	275-281
<i>Baba</i> K ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА .....	282-289
<i>Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich</i> KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA .....	290-296
<i>Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна</i> КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ .....	297-301

07.00.00 – Тарих фанлари

**Шухрат Эргашев**

Ўзбекистон Фанлар академияси  
Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

### **ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ**

**Аннотация.** XIX аср Франция тарихида муҳим давр бўлди. XVIII аср охиридаги Буюк француз инқилоби ва давлат тўнтаришидан сўнг ўрнатилган Наполеон империяси Франция учун ҳам шарафли ҳам изтиробли йиллар бўлди. 1848 йили содир бўлган инқилоб империя тизимини ағдариб ташлади ва II Республикани эълон қилди. Наполеон I нинг жияни Луи Бонапартнинг президент этиб сайланиши ва конституцияда президент ваколатлари ва унинг қайта сайланишига ўрнатилган чекловлар, иқтисодий ва сиёсий беқарорлик 1851 йил декабрда давлат тўнатиришига олиб келди.

**Калит сўзлар.** 1848 йилги инқилоб, II Республика, Луи Наполеон, сайловлар, конституция, давлат тўнтариши, II Империя.

**Шухрат Эргашев**

к.и.н., старший научный сотрудник  
Института истории Академии наук Узбекистана

### **КРИЗИС ВТОРОЙ РЕСПУБЛИКИ ВО ФРАНЦИИ И ПЕРЕВОРОТ 1851 ГОДА**

**Аннотация.** 19 век ознаменовался важным периодом в истории Франции. Великая французская революция конца 18 века и Наполеоновская империя, установленная после переворота империя Наполеона для Франции был периодам великой славы и страданий. Революция 1848 года уничтожила империю и объявила II Республику. Избрание племянника Наполеона I Луи Бонапарта президентом и установление ограничений на его переизбрание, экономическая и политическая нестабильность привели к государственному перевороту декабря 1851 г.

**Ключевые слова.** Революция 1848 года, II Республика, Луи Наполеон, выборы, конституция, государственный переворот, II Империя.

**Shukhrat Ergashev**

Candidate of Historical Sciences, Senior Research Fellow,  
Institute of History, Academy of Sciences of Uzbekistan

### **THE CRISIS OF THE SECOND REPUBLIC IN FRANCE AND THE COUP OF 1851**

**Abstract.** The XIX century was marked by an important period in the history of France. The Great French Revolution of the late 18th century and the Napoleonic Empire, which established Napoleon's empire for France after the coup, were periods of great glory and suffering. The revolution of 1848 destroyed the empire and declared the Second Republic. The election of Napoleon I's nephew Louis Bonaparte as president and the imposition of restrictions on his re-election, economic and political instability led to a coup d'état in December 1851.

**Keywords.** Revolution of 1848, II Republic, Louis Napoleon, elections, constitution, coup d'état, II Empire.



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N02>

XIX аср Франция тарихида муҳим ўрин тутган даврлардан бўлди. XVIII аср охиридаги Буюк француз инқилоби ва давлат тўнтаришидан сўнг ўрнатилган Наполеон империяси Франция учун ҳам шарафли ҳам изтиробли йиллар бўлди. Францияда 1848 йил февраль инқилоби натижасида ўрнатилган II Республика расман 1848 йил 4 майдан 1852 йил 2 декабргача мавжуд бўлди. Бу қисқа фаолиятига қарамасдан, II Республика Франция тарихида катта из қолдирди. Зотан, инқилоб эълон қилган ғоялар, мустамлакаларда қулликнинг бекор қилиниши, барча эркакларга сайлов ҳуқуқининг берилиши, меҳнат ҳуқуқининг қонун билан мустақамлаб қўйилиши, конституциянинг қабул қилиниши, Франция тарихида илк бор ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида президент лавозимининг жорий қилиниши ва шу кабилар ўз даври учун жуда илғор тадбирлар эди.

Аммо инқилобдан сўнг ҳокимиятга келган буржуазиянинг катта қисми зимдан монархияни тиклашни орзу қиларди. Аҳолининг катта қисми, айниқса деҳқонлар ҳам роялистларнинг бу орзуси амалга ошиши учун кўмаклашди. 1848 йил декабрда бўлиб ўтган сайловларда Наполеон Бонапартнинг жияни Луи Наполеон энг кўп овоз олиб президент этиб сайланди.

1848 йил мартда Таъсис мажлиси ўз ўрнини янги сайланган Миллий мажлисга ўз ўрнини бўшатиб берди. Миллий мажлис фаолиятида сиёсий кураш ва беҳуда тортишувлар катта ўрин эгаллади. Натижада 1950 йилга келиб мамлакатда сиёсий инқироз юзага келди. Шу йил 2 май куни ички ишлар вазири Барош имзоси билан 17 нафар орлеанист ва легитимист депутатлардан иборат комиссия тузилиб, уларга сайловлар тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиш вазифаси юклатилди. Комиссиянинг раиси Брогли, котиби Леон Фоше эди [1; 177- б.].

Париждаги рус элчиси Н. Киселёвнинг хабарларига кўра “комиссия тезда ишга тушиши ва янги сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасида сайловчилар сонини 9 – 10 миллион кишидан 3 – 4 миллионга қисқартириш назарда тутилган эди” [1; 177- б.]. Сайлов тўғрисидаги янги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қонун чиқарувчи мажлисда 1850 йил 21 майдан то 30 майгача давом этди. Кавеньяк, Ламартин, Жюль Фавр, Жюль Греви, буржелик Мишель ва Виктор Гюго бу лойиҳага қатъий қарши чиққан бўлсалар, “Интизом партияси”нинг раҳбарлари А. Тьер, Беррье, Монталанбер, Борон ва бошқалар бу лойиҳани қўллаб-қувватладилар ва уни тезроқ қабул қилишга ошиқдилар. Бу қонун лойиҳасини парламентда муҳокама қилиш жараёнида намойишлар, иш ташлашлар фақатгина Парижда эмас, балки Франциянинг кўпгина йирик шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Қонун 1850 йил 31 майда кўпчилик овоз (433 рози, 241 қарши) билан қабул қилинди ва Луи Бонапарт томонидан тасдиқланди. Бир неча кундан кейин худди шундай кўпчилик овоз билан ҳар қандай иттифоқларни таъқиқлаш, мажлисларни ёпиш бўйича ҳукуматга чекланмаган ҳуқуқ берувчи қонун тасдиқланди, 8 июнда эса сургун қилиш ҳақидаги қонун ҳам қабул қилинди. 16 июль куни 392 рози, 263 қарши овоз билан матбуот тўғрисида янги қонун қабул қилиниб, бу қонун француз матбуотини ҳар қачонгидан ҳам қарамга айлантди [6; 558- б.].

Аслида ҳам 1850 йил 31 майда қабул қилинган қонун 1848 йил Франциядаги февраль инқилобининг буюк ютуқларидан бири – барча фуқароларнинг умумий сайлов ҳуқуқини бекор қилди. Бошқа қонунлар ҳам фуқаролар эришган эркинликларнинг бир қисмини йўққа чиқарди. Шундай қилиб 1850 йил 31 майдан сўнг республика институтларининг аста-секин қулаши бошланди ва Луи Бонапартнинг давлат тўнтариши учун кенг йўл очилди.

1848 йил 4 ноябрда қабул қилинган конституциянинг 45-моддасига биноан президентнинг иккинчи муддатга фақат орада тўрт йил ўтгандан кейин қайта сайланиши назарда тутилган эди. 1849 йил май ойида 3 йил муддатга сайланган Қонун чиқарувчи мажлис депутатларнинг кўпчилигини орлеанитслар ва легитимистлар ташкил қилиб, улар президент Луи Бонапартнинг қайта сайланишини истамас эдилар. Вақт ўтиб, 1852 йил май ойи яқинлашган сари мамлакат сиёсий ҳаётида келгусида давлат бошлиғи – президент ким бўлади, деган савол французлар учун катта муаммога айланди. Масаланинг яна бир нозик томони шунда эдики, 1852 йил 13 майда Қонун чиқарувчи мажлис – парламентнинг ваколатлари ҳам тугар эди. Шу муносабат билан бир вақтнинг ўзида ҳам президент ҳам парламентни қайта сайлаш муаммоси турарди.

Шунингдек, ҳокимиятда турган йирик буржуазия вакиллари республика институтлари воситасида мамлакатни бошқара олмаслиги аён бўлиб қолди. Мамлакат бошқарув тизимида сиёсий танглик вужудга келиб, тобора кескин тус ола бошлади. Луи Бонапарт тарафдорлари, айрим орлеанитслар бу тангликни 1848 йилги Конституцияни, айниқса унинг 45-моддасини қайта кўриб чиқиш орқали ечмоқчи бўлдилар. Аммо бу ишга фақат 1851 йил май ойининг иккинчи ярмидан кейин киришиш мумкин эди. Конституцияни кўриб чиқиш учун мажлисда 750 депутатдан камида 500 депутат қатнашиши ва уларнинг  $\frac{3}{4}$  қисми бунга розилик бериши кўзда тутилган эди [5; 277- б.].

Жамоатчилик ҳам конституцияни қайта кўриб чиқиш тарафдори эди. Қонун чиқарувчи мажлис номига фуқаролар томонидан кўплаб петициялар кела бошлади, уларнинг мазмуни бир хил бўлиб, конституцияни қайта кўриб чиқишни талаб қилаётган эдилар. Бундай петицияларни Елисей саройи ҳам кўллаб-қувватларди, чунки бу мурожаатларнинг аксарият қисми конституциянинг 45-моддасини бекор қилишни талаб қилаётган эди. 1850 йил ёзда Франциянинг 85 департаментидаги Бош кенгашлардан 25 таси конституцияни қайта кўриб чиқишга розилик берди, 10 таси қарши чиқди, 2 таси конституцияга тил теккизмасликни таъкидладилар, 21 таси ўзларининг бетарафлигини билдирдилар [3; 251- б.]. Бироқ орадан бир йил ўтгач вазият бутунлай ўзгарди: 85 та Бош кенгашлардан 77 таси конституцияни қайтадан кўриб чиқишни талаб қилар, шулардан 27 таси фақат 45-моддани бекор қилишни сўраб мурожаат қилишди, 2 та Бош кенгаш бурбонлар сулоласини тиклаш учун овоз беришди, 5 та Бош кенгаш конституцияни қайта кўриб чиқишга қарши овоз берган бўлса, фақат битта Бош кенгаш республика тизимини мустахкамлашга даъват қилди [7; 200- б.].

1851 йил июнь ойи бошида парламент конституцияни қайта кўриб чиқиш масаласи билан шуғулланиш учун 15 депутатдан иборат комиссия тузди. Комиссия раиси собиқ орлеанист, Елисей саройи тарфдори А. Бролье, котиби этиб легитимист Мулен сайланди.

Комиссия 1851 йил 12 июндан бошлаб 25 июнгача 7 марта йиғилиш ўтказган. Мазкур комиссия баённомаси комиссия фаолиятини очиб беришга сезиларли ёрдам

беради [7; 202- б.]. Шунингдек, комиссия аъзоларининг партиявий ва касбий мансублиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унда “Интизом партияси” аъзолари кўпчиликни ташкил қилар эди. Комиссия аъзоларининг учдан бир қисми адвокатлар ва бешдан бир қисми ҳарбийлардан иборат эди. Елисей қасри тарафдорлари Ш. Монталамбернинг комиссия раиси бўлишини жуда хоҳлаганлар, бироқ юқорида қайд этганимиздек А.Бролье комиссия раислигига сайланган [3; 251- б.].

Мажлис баённомаси шуни кўрсатадики, комиссия таркибидаги республикачилар конституцияни қайта кўриб чиқишга бутунлай қарши бўлганлар, чунки улар конституцияни ўзгартиришга уриниш Францияда монархияни қайта тиклашдан бошқа нарса эмас деб ҳисоблаганлар. Орлеанист Морней ва “учинчи парти” вакили Баз ҳам конституцияни қайта кўриб чиқишга қарши чиқдилар. Зеро, конституцияни қайта кўриб чиқиш уларнинг назарида Францияда ё социализм, ёки бонапартизм ғалабаси билан тугаши мумкин эди [7; 200- б.]. Бу хавфдан қутилишнинг бирдан-бир йўли – бу Луи Бонапартнинг пезидентликка қайта сайланишидан иборат эди. Шу вазиятдан келиб чиқиб, А. Бролье: “1848 йил конституциясининг 45-моддаси бир шахснинг қаторасига икки муҳлат президентликка сайланишига йўл қўймайди. Бу модданинг мазмуни бемаъниликдан бошқа нарса эмас”, – деб ёзган эди.

1851 йил июнь ойининг охирига келиб бу борда жамоатчилик фикри иккига: конституцияни қайта кўриб чиқиш тарафдорлари ва уларга қаршиларга бўлинган эди. 1851 йил 19 июль куни Қонун чиқарувчи мажлисда бу масала овозга қўйилганда 446 нафар депутат конституцияни қайта кўриб чиқиш учун овоз берди [7; 200- б.]. Яъни, худди комиссиягидаги каби мажлисда ҳам конституцияни қайта кўриб чиқиш тарафдорлари депутатларнинг 3/5 қисмидан кўпроғини ташкил қилди.

Комиссия ўз ишининг натижаларини депутатларга етказиш учун Токвиль маърузачи этиб тайинланди. Унинг маърузаси 1851 йил 8 июль куни депутатлар томонидан тасдиқланди. Токвиль ўз маърузасининг биринчи қисмини 1848 йил 4 ноябрдаги конституциянинг танқидига бағишлади ва табиийки, у “Интизом партияси”нинг қарашларини ўзида акс эттирди. Токвилнинг фикрига кўра, мазкур конституция замонавий Франция талабларига жавоб бермайди, чунки унда жиддий нуқсонлар мавжуд. Сайловлар ҳам, Токвиль фикрига кўра, нотўғри ташкил этилган бўлиб, ундан партиялар, қарама-қарши гуруҳлар ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар. Ҳатто мазкур конституция асосида ижро этувчи ҳокимият билан Қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасида доимий кураш авж олиб турди. Конституцияни 1848 йил инқилоб даврида бир гуруҳ кишилар тузиб чиққан бўлсалар, уни бутунлай бошқа кишилар амалга жорий этмоқдалар. Республика президенти Қонун чиқарувчи мажлисига бўсуниш ўрнига унга доимий тарзда босим ўтказиб келмоқда. Бир-бирига қарама-қарши турган икки кучни мурасага келтирувчи учинчи бир ҳакам мавжуд эмас. Шу билан бирга Токвиль конституциядаги пропорционал сайлов усулини қаттиқ танқид остига олди. Бундай усулда ўтказилган сайловларда барча бирдай ҳуқуқдан фойдаланади, бу айниқса оломонга жуда қўл келади. Конституцияга кўра, – дейди Токвиль, мамлакатда икки ҳокимиятчилик амалга оширилмоқда, ҳар икки ҳокимият: қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳам умумий сайловлар йўли билан сайланган бўлиб, бир-бирига қарама-қаршидир.

Токвиль ўз маърузасида 1852 йилда бир йўла ўтказиладиган президент ва парламент сайловларини “1852 йил инқирози” деб атади. Унинг фикрича, бугунги кунда “1852 йил инқирози” энг муҳим муаммо бўлиб, уни ҳал қилиш конституцияни қайта кўриб чиқишдан иборат. Агар 1848 йил конституцияси барча аҳоли томонидан сайланган Таъсис мажлиси депутатлари томонидан ишлаб чиқилган бўлса, уни қайтадан кўриб чиқишни фақат аҳолининг маълум қисми сайлаган вакиллар томонидан амалга оширилади, чунки 1850 йил 31 май қонуни аҳолининг деярли 6/1 қисмини сайловларда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Конституцияни қайтадан кўриб чиқиш учун депутатларнинг 4/3 қисми овозини олиш мушкул, чунки бу масала юзасидан парламентда яқдиллик мавжуд эмасди. Токвиль ўз нутқида жуда эҳтиёткорлик билан конституцияни қайтадан кўриб чиқишни таклиф қилди. “Тарихий вазият жуда қалтис ва келгусида нима бўлишини ҳеч ким олдиндан айтиб бера олмайди, – деган эди Токвиль” [7; 196- б.].

Токвиль ўз нутқида Франциядаги марказлашган сиёсий тизимни қаттиқ танқид остига олиб, АҚШдаги федератив тизимни ёқлаб чиқди. Унинг назарида федератив тизим энг мукамал давлат тизими бўлиб, миллат тақдирини оломон эмас, балки кўпчилиكنи ташкил этмаган оз сонли зодагонлар ҳал қилади. Ана шундай тизимда миллий давлатчилик узоқ давом этади, ҳатто кучсиз ҳукуматнинг мавжудилиги ҳам бу тизимга салбий таъсир кўрсата олмайди [7; 197- б.]. Токвилнинг фикрича, ана шу тарихий вазиятдан келиб чиққан ҳолда яқин орада янги Таъсис мажлисини сайлаш керак. Мазкур таъсис мажлиси кенг ваколатларга эга бўлиши керак ва у мамлакатни ғайри қонуний кучларнинг хуружидан қутқазиб қолиши зарур. Акс ҳолда, 1852 йил май ойида бир вақтнинг ўзида ҳам президент, ҳам парламент сайловларини ўтказиш ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Токвиль Франциядаги марказлашган сиёсий тизимни бошқа давлатлар сиёсий тизимлари билан солиштириб, шундай хулосага келди: Ер юзида ҳеч бир халқ французлар каби ҳаддан ташқари кучли ижро ҳокимиятига эга эмас. Францияда президент ваколатлари чекланмаган, АҚШда эса президент ваколатлари чекланган ва назорат остига олинган. Нима сабабдан АҚШда президент ваколатлари чекланган? – деган саволга Токвиль қуйидагича жавоб беради: АҚШда сайловлар Франциядагидек тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита амалга оширилади. Америкаликлар дастлаб вакилларни сайлашади, вакиллар эса АҚШ президентини сайлашади. Зеро, америкалик делегатларнинг сиёсий мандатлари, сиёсий савияси оддий халқникидан юқори. Табиийки, АҚШ вакилларида кўра француз сайловчиларининг савияси паст ва уларнинг кўпчилиги саводсиз. Шундай қилиб, Токвилнинг фикрича, сайлов ва сайлаш ишлари барча аҳолининг кундалик иши эмас, балки сиёсий элитанинг вазифаси ва бурчи бўлиши керак.

Токвиль президентнинг иккинчи марта сайланиши мумкин эмаслигини айтиб, агар шундай бўлган тақдирда қандай воситалар қўллаш кераклигига тўхталади: “Агар умумий нотинчлик оқибатида ёки бошқа таниқли номзод йўқлиги, партия ёки ҳокимиятнинг ўзи ноқонуний таъсир кўрсатиши оқибатида, шунингдек, у ёки бу сабабга кўра ғайри конституциявий сайланиш юз берган ҳолатда нима юз беради? Халқ ўз қўли билан ўз асосий қонунининг бир қисмини йиртиб ташлаб, бутун ҳокимият механизмини йўққа чиқарадими? Йўқ, битта кутилмаган иш, ўйланмай босилган қадам билан бутун

конституция йўқ қилинади, вайрон қилинган бино ўрнида янгисини тиклаш ҳақида ўйлаш ҳуқуқига эга бўлган бирорта қонуний ҳоқимият қолмайди. Жаноблар, қанчалар номукамал бўлмасин, конституция нима ўзи? У – қонун, у – ҳуқуқ, деб айтишимиз лозимми? Конституцияни қонуний эмас, ноқонуний йўл билан ўзгартирганда, уни ағдаришганда, унда сиёсий ҳуқуқ ҳақидаги ҳар қандай тушунча йўқолади, Франция яна оломоннинг инжиқлиги ва тасодифий кучлар қурбонига айланади...”[2; С. 191 – 193.]. Бу кўплаб замонавий давлатлар учун ҳам сабоқ бўладиган гаплар эди.

Токвиль ўз маърузасида 1848 йил конституциясига жиддий ўзгартиришлар киритишни танлаган бўлсада, бироқ у конституциянинг тез-тез ўзгартирилиши, унинг баъзи моддалари модификация қилиниши ва конституция тақдирининг оломон қўлида бўлишига қарши эди. Токвиль маърузасининг иккинчи қисми конституцияни қайси усуллар орқали қайта кўриб чиқиш масалаларига бағишланган эди. Маъруза юзасидан депутатлар Ларати, Буйе де Леклюз, Кретон сўзга чиқиб, конституциянинг 45-моддаси, I бўлимини бекор қилиш таклифларини киритди. Таклифлар комиссия томонидан рад этилди.

Айтиб ўтиш жоизки, Токвилнинг маърузаси эҳтиёткор, вазиятга мослашувчан ва шу билан бирга қарама-қаршиликларга бой эди. Шу сабабли маъруза депутатларга катта таъсир кўрсатмади. Бонапартчилар ва уларга яқин депутатлар (Пайер, Кокрель, Барош, О. Барро) конституцияни қайта кўриб чиқиш билан чекланмасдан, аввал конституциянинг 45-моддасини бекор қилишни талаб қилдилар. Уларнинг фикрига кўра, президентликка номзодлар орасида Луи Бонапартнинг қайта сайланиш эҳтимоли юқори, зеро Луи Бонапартни энг аввало 5 млн. дан ортиқ деҳқонлар қўллаб қувватлайди.

“Интизом партияси”дан фарқли ўлароқ, легитимистлар фракцияси депутатлари Қонун чиқарувчи мажлиснинг француз халқига мурожаат қилишини таклиф қилди. Уларнинг фикрича бошқарув шаклини хоҳ у республика, хоҳ монархия бўлсин халқ хал қилиши лозим. Орлианистлар эса ўзининг ҳеч қачон республикачи бўлмаганлиги ва бундан кейин ҳам бўлмаслигини очиқ эълон қилдилар. “Учинчи партия” вакили Дюфор фикрига кўра, конституцияни қайта кўриб чиқиш мамлакатда монархияни ўрнатишни, уни ўзгартирмаслик эса мамлакатда республика тузумини сақлаб қолишни англатади. У конституцияни қайта кўриб чиқишга қарши эканлигини билдирди.

Адольф Тьер конституцияни қайта кўриб чиқиш бўйича сўз олган бўлсада, аммо уни ўзгартиришга қарши эди. Шунингдек, III Республиканинг бўлғуси президенти Ж.Греви ҳам конституцияни қайта кўриб чиқишга қаршилигини бидирди. “Янги Тоғ” партиясининг парламентдаги фракция раҳбари буржлик Мишель ҳам республикачилик позициясидан туриб маъруза қилди. Мишель ўз маърузасини Луи Бонапартга қаратилган қуйидаги оташин сўзлар билан яқунлади: “Рухсат берсангиз сизни такрорлашга, сиз армия жамиятни қутқаради, деган гапни тез-тез айтасиз. Балки мен адашаётгандирман, аммо менимча, агар мамлакатимизнинг қутқарувчиси армия бўлса, унда биз бу мамлакатга ачинишимиз лозим. Армия – бу кўпол куч, бу – милтиқлар ҳукмронлиги! Шу кучга эгалик қилган Кромвель сизга протекторатни берди, Монк – Генрих V ни, 18-брюмер арбоби Наполеон Бонапарт – Имерияни, Оттон, Вителлий ёки Гальба – Шарқий Рим Империясини берди” [2; 420- б.]. Мишелнинг бу гаплари ҳамма замонлар учун ибратли нутқ эди. Зеро, милтиққа, кўпол кучга таянган ҳоқимият ҳар

доим диктатурага олиб келишини Мишелдан кейин, ҳатто бизнинг давримизда ҳам тарих кўп марта исботлади.

Бошқа республикачилардан фарқли ўлароқ машҳур ёзувчи, шоир, драматаург ва жамоат арбоби В. Гюгонинг нутқи ўзининг таъсирчанлиги, мантиқий қудрати билан кўпчилик депутатларни хайратга солди ва республика депутатларининг олқишларига сазовор бўлди. Конституцияни тафтиш қилиш тарафдорлари, – деди В. Гюго, – ё Бурбонлар сулоласини қайта тикланишмоқчи ёки Францияда бонапартизмга асосланган монархияни ўрнатмоқчи. Энг муҳим омиллардан бири, – деди В. Гюго, – бонапартизмга асосланган Империяни тиклаш учун Наполеон Бонапарт даражасидаги шахс бизда мавжуд эмас. Луи Бонапарт амакисидан фарқли ўлароқ ўртамиёна шахс [2; 198- б.]. Айтиб ўтиш жоизки, В. Гюго ўзининг мазкур нутқида Луи Бонапартни Наполеон Бонапартга қиёслаб, уни “Наполеонча” деб атади. Кейинчалик В. Гюго 1851 йил 2 декабрь давлат тўнтарилишдан сўнг бир машҳур памфлет ёзиб, уни 1852 йил август ойида Брюсселда “Наполеонча” сарлавҳаси остида нашр эттирди [4].

Қисқаси, конституцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги музокаралар президент ва Қонун чиқарувчи мажлис ўртасидаги курашнинг кучайиш хавфидан бошқа ҳеч қандай натижа бермади. Тортишувлар фақат республика душманларига республикачилик муассасаларига қарши чиқиш учун қулай вазият яратди.

Шу мазмунда гапирган биринчи нотик Фаллу бўлди. У соғлиғи ёмонлиги туфайли узоқ вақт минбарга кўтарилмаган эди, аммо энди шунинг ҳаққини олди. У шиддат билан республикага ҳужум бошлаб, деди: “Францияни ҳалок қилаётган, унинг қудратини йўқ қилаётган бошқарув мамлакатни тўлиқ кучсиз ҳолатига келтиргани учун буюк тартиб партиясини жавобгар қилади. Давони конституцияни кескин, имкони борича тўлиқ қайта кўриб чиқишдан, республика тамойилини монархия билан алмаштиришдан излаш лозим”. Мажлисни иложи борича кўпроқ қўрқитиш мақсадида Фаллу ўз нутқини Францияга ҳужум қилиш учун шай турган ташқи душманлар борлиги ва улар мамлакатдаги ички анархия туфайли вужудга келган фалокатни янада кучайтиришга тайёрлиги ҳақидаги огоҳлантириш билан якунлади [2; 293- б.].

Комиссия раиси А. Брольенинг конституцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифи парламентда муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан парламент ўзининг ўта фаоллигини кўрсатди. 750 депутатдан 726 киши овоз беришда қатнашди. Конституцияни қайта кўриб чиқиш ёки тафтиш қилишни ёқлаб 446 депутат, унга қарши 278 депутат овоз берди. Конституцияни тафтиш қилиш бўйича парламент аъзоларининг мутлақ кўпчилиги овоз беришган бўлсада, бироқ конституциянинг 3-моддасига биноан депутатларнинг 3/4 қисми (543 овоз – Ш.Э.) бу таклифни қўллаб овоз беришлари зарур эди [4; 277- б.].

Эртаси куни ҳукумат томонидан амалга оширилган фитна ҳақида қаттиқ мунозара кўтарилди ва Мажлис кўпчилик, 333 рози, 320 қарши овоз билан министрликни қоралаш ҳақидаги Баз таклифини маъқуллади. Министрлик 17 январда ҳам қораланган эди, бу сафар у истеъфога чиқмади [2; 300- б.].

Бироқ, юқорида айтилганидек, умумий сайлов ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги 1850 йил 31 май қонуни депутатларнинг кўпчилик овози билан амалга оширилган эди. Бу сафар Қонун чиқарувчи мажлисининг кўпчилиги “Интизом партияси” фракциясига мансуб бўлган депутатлар бу қонунни декретдан ташқари амалга оширишга жазм этиша

олмадилар. Бу ҳолат уларнинг заифлигидан далолат берар эди. Бир қарашда, конституцияни тафтиш қилишга қарши бўлган республикачи депутатлар ғалаба қозонгандай туюлади. Бироқ бу ғалаба катта аҳамият касб этмади. Парламент қонунчилиги асосида президент Луи Бонапартнинг ваколатларини чўзиш ёки уни қайта сайлашга муваффақ бўлмаган Елисей саройи тарафдорлари мамлакатда давлат тўнтаришига тайёргарликни қизғин бошлаб юбордилар.

Кундан кунга пулга эҳтиёжнинг кучайиб бораётгани Бонапартни давлат тўнтариши сари “қутқарувчи қадам”ни ташлашга янада кучли ундаётган эди. Француз жамиятида, айниқса унинг илғор қисми орасида аллақачон Бонапартнинг давлат тўнтаришига тайёргарлик кўраётгани тўғрисида турли хил гап-сўзлар юрарди. Аммо бир нечта инқилобларда тобланган буржуазия Бонапартдек ўртамиёна шахс бундай таваккалчиликка қўл уришга журъат қилмайди, деб ўзини овулар эди... Луи Бонапарт эса давлат тўнтариши сари қатъий ва сўнгги қадамларни ташлади. 2 декабрь куни эрталаб Миллий мажлис ва Давлат кенгаши тарқатиб юборилди, умимий сайлов ҳуқуқи тикланди, 31 май қонуни бекор қилинди [2; 459- б.].

Бунга қўшимча президентнинг халққа мурожаати ҳам эълон қилинди. Унда Луи Бонапарт мамлакатнинг ҳозирги оғир аҳволини, ўтаётган ҳар бир кун ҳалокатни яқинлаштираётганини, бу ҳол Франциянинг тинчлигига хавф солаётганини ва бу яна узоқ давом этиши мумкинлигини айтади. Луи Бонапартнинг бу мурожаати аҳолининг кам саводли, бефарқ ва мутъеликка мойил қисми учун мўлжалланган бўлиб, айнан жамиятнинг шу қисмида у ўз ҳаракатларининг таянчини кўраётган эди. Мурожаатда у 10 йилга сайланадиган масъулиятли раҳбар, ягона ижро ҳокимиятига бўйсунувчи министрлар, таниқли кишилардан иборат бўлган, қонунларни тузадиган ва қонунчилик корпусидаги муҳокамаларда уларни ҳимоя қила оладиган Давлат кенгаши, сайловларни бузадиган очиқ овоз бериш йўли билан эмас, умимий сайлов йўли билан сайланган, қонунларни таҳлил қиладиган ва тасдиқлайдиган Қонунчилик корпуси, мамлакатнинг энг машҳур кишиларидан тузилган Иккинчи Мажлис – мувозанатни, асосий сиёсий келишувлар ва эркинликларни сақловчи ҳокимиятни таклиф қилди. Шунингдек, мурожаатда у: “шу аср бошларида Биринчи консул томонидан яратилган бу тизим Францияга бир неча марта тинчлик ва фаровонлик олиб келди, бу сафар ҳам шундай бўлади. Бу менинг қатъий ишончим” [2; 462- б.], деди.

Луи Бонапарт аскарларга ҳам алоҳида мурожаат қилди. Бу пухта ўйланган, аскарлар ва офицерларнинг иккиланаётган қисмини ҳам ўз томонига оғдиришга қаратилган таъсирчан мурожаат эди ва у ўз натижасини берди. Жамиятнинг илғор, ташаббускор қисмини эса бошқача тақдир кутаётган эди. Энг фаол республикачи депутатлар ва ҳатто бир қатор “Интизом партияси” фракциясига мансуб депутатлар ҳам қамоққа олинди.

Шу тариқа узоқ тайёргарлик ва интилишлардан сўнг Елисей саройи аҳли президент Луи Бонапарт раҳбарлигида 1851 йил 1 декабрдан 2 декабрга ўтар кечаси ҳарбий кучлар ёрдамида мамлакатда давлат тўнтаришини амалга оширди. Тўнтариш давлат тузумини қуйидагича ўзгартириш учун амалга оширилган эди: президент 10 йил муддатга сайланадиган бўлди; Давлат кенгаши қонунлар ишлаб чиқади; министрлар президент хоҳиши билан тайинланади ва ишдан олинади.

Бу шуни англатар эдики, аслида умумий сайлов ҳуқуқи билан безатилган республика кўриниши остида битта шахсинг диктатураси эълон қилинган эди. Янги диктатуранинг ўрнатилиши қонли тўқнашувлар билан нишонланди: йиғилган оломон устига пиёда ва отлиқ кўшинлар бостириб борди, икки мингга яқин киши ҳалок бўди. Бутун Франция бўйлаб республика тарафдорларига қақшатқич зарба берилди. 1852 йил январда янги конституция тасдиқланди. Унга биноан бошқарув тизимининг марказида президент бўлиб, у ҳам қонунчилик ҳам ижро ҳокимиятининг бошида турарди. Суд ҳукми унинг номидан ўқиларди, армия ва полиция тўлиқ унинг измида эди, у декретлар чиқарар ва қонунларни тасдиқларди. 1852 йил ноябрда Луи Бонапарт лавозим билан ҳокимият ўртасидаги номутаносибликни бартараф қилди. Аввал сенат, кейин плебисцит уни Наполеон III номи билан Франция императори деб эълон қилди. Шу тариқа мамлакат тарихида янги давр бошланди: Францияда II Республика ўрнини II Империя эгаллади.

Шу тариқа президент сайловларида Луи Бонапарт учун овоз берган деҳқонлар Наполеон номи билан Франциянинг аввалги буюклиги қайтишига, солиқларнинг камайтирилишига умид боғлаган эдилар. Аммо бу умидлар ҳам сароб бўлиб чиқди. Луи Бонапарт президент этиб сайланиши билан мутлақ ҳокимият учун интилди ва бу 1851 йил декабрдаги давлат тўнтаришига олиб келди.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. АВПР, ф. Посольство в Париже, д. 184. Кисилев Нессемроде 20 ареля/2 мая. 1850, г
2. Верморелль. Деятели 1851 года. История президентства и основания Второй Империи. – СПб. Издание Градинаина и Рождественского. 1870.
3. Girard L. La IIe Republique. – P., 1968.
4. Гюго В. Наполеон малый. – М., 1954.
5. Les Constitutions de la France.
6. Эритье Л. История французской революции 1848 года и Второй республики. – СПб, 1907.
7. Фармонов Р. Революция 1848-1849 гг. и политическое развитие Франции в период второй республики (1848-1851 гг.). Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. – М., 1992.



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 3 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).